



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

*Неъматов Азизбек Ғолибжон ўғли**

Аннотация. Мақолада долзарб муаммолардан бири бўлган айбсизлик презумпцияси соҳа олимларининг фикрлари асосида таҳлил қилинган, уларнинг тушунчаси, мазмун-моҳияти, шунингдек халқаро нормалар таснифлари ўрганилган. Айбсизлик презумпцияси тушунчаси масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Мақоланинг хулоса қисмида ҳозирги вақтда айбсизлик презумпцияси жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши ёритилган.

Калит сўзлар: жиноят иши, презумпция, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, демократик принцип.

ТЕОРЕТИКО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ ПРЕЗУМПЦИИ НЕВИННОСТИ

Аннотация. В статье анализируется презумпция невиновности, которая является одной из наиболее актуальных проблем, на основе мнений специалистов в данной области, исследуются их понятие, содержание, а также классификация международных норм. Особое внимание уделено понятию презумпции невиновности. В заключительной части статьи подчеркивается, что презумпция невиновности имеет большое значение в жизни общества.

THEORETICAL AND LEGAL ANALYSIS OF THE PRESUMPTION OF INNOCENCE

Abstract. In the article, the presumption of innocence, which is one of the most pressing problems, is analyzed based on the opinions of experts in the field,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси. info@akadmvd.uz, azizbek_nematov_696@mail.ru



their concept, content, and classification of international norms are studied. Special attention is paid to the concept of presumption of innocence. In the concluding part of the article, it is highlighted that the presumption of innocence is of great importance in the life of the society.

Юридик адабиётларда презумпция одатда қонунчилик техникаси усули ёхуд мантикий хулоса сифатида қўрилади. Презумпцияни бундай тушуниш жуда кенг бўлиб, уни бошқа ҳуқуқий тузилмалар билан аралашиб кетишига сабаб бўлади. К.Б.Калиновский ва А.В.Смирновлар таъкидлаганидек, “ҳар қандай презумпция – ҳуқуқий норма бўлиб, бир юридик фактнинг бўлиши туфайли бошқа юридик факт ҳам унинг акси исботланмагунга қадар тан олинади”¹.

Юридик адабиётлар таҳлили презумпциялар қатор ўзига хос хусусиятлари билан таърифланишидан далолат бермоқда, хусусан: Презумпция – шартли равишда юридик факт деб тан олинувчи қоидалардир. Айрим муаллифлар ² презумпциясини тахмин, фараз деб эътироф этадилар, бу бир жиҳатдан тўғри, зеро “тахмин” – “у ёки бу ҳодисанинг эҳтимоллигини англатади”. Бироқ, презумпцияларнинг қатор мажмуи учун ҳодисаларнинг эҳтимоллиги эмас, ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги алоҳида эҳтиёж ҳосдир. Ҳар қандай презумпция ҳуқуқий нормалар мазмунини ифодалайди ҳамда бу усул аниқ ҳуқуқий муносабатларни юзага келтирувчи юридик факт сифатида баҳоланади. Презумпцияларни ҳуқуқий ва фактикка бўлиш кенг тарқалган. Бунда одатда қоида тариқасида юридик презумпция – ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланган; фактик эса, ҳуқуқ нормаларида мустаҳкамланмаган презумпциялар фарқланади.

Айбсизлик презумпциясини жиноят процессининг принципларидан бири сифатида тасаввур этиш узоқ тарихий илдизларга эга. Яъни, айбсизлик

¹ Тўлаганова Г. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. Б.13-14.

² Кузнецова, О. А. Презумпции в Российском гражданском праве. – М., 2007. – С.12; Теория государства и права: Учебник / под ред. В.К. Бабаева. – М: Юрист, 2004. – С.37.; Проблемы теории государства и права / Под ред. М.Н. Марченко. – М.: ООО “Проспект-Н”, 2001. – С.24.



презумпцияси бир неча асрлар олдин дунёга келган, демократик ислохотлар давридаёқ муҳим аҳамият касб эта бошлаган ҳуқуқий қоидадир. Бу принципнинг илдизлари қадимги ахлоқ нормаларига бориб тақалиб, моҳият эътибори билан инсоннинг ёмонлиги аниқланмагунга қадар яхши одам ҳисобланишини англатади. Айбсизлик презумпцияси ўша даврда ҳукмронлик қилган ва мазмуни жиноят содир этганликда бирор шахс гумон қилиш билан унинг айбдорлигини қайта исботламай туриб айбдор ҳисобланиши бўлган ғояларга қарши қаратилган эди. Хусусан, Францияда 1789 йилда қабул қилинган Инсон ва фуқаролар ҳуқуқлари Декларациясида ушбу тушунча ўзининг аниқ ва ёрқин ифодасини топган: “Ҳар бир инсон айбдор деб эълон қилингунга қадар (суд томонидан) айбсиз деб тахмин қилинар экан, зарурият туғилганда уни қўлга олишда қўлланилган ортиқча қаттиқ чора қонун билан қатъий жазоланиши лозим” (9-модда).

Бу ҳақда юридик адабиётларда таъкидланганидек, “*Praesumptio juris* тамойили судланувчи манфаатларига хизмат қилиб, айби исботлангунга қадар унинг айбсизлигини назарда тутди”³; “замонавий жиноят процесси айбсизлик презумпцияси мазмунидан келиб чиқади”.⁴ Ушбу тамойил узоқ вақт ҳуқуқшунос олимлар ўртасида турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келди. Чунончи, ўз вақтида ушбу тамойилга қарши ғоя тарафдорлари ҳам уни жиноят процесси тамойиллари тизимидан чиқаришни таклиф қилганлар. Хусусан, К.А.Мокичев “мазкур қоиданинг (яъни, айбсизлик презумпциясининг) тутириқсизлиги – жуда табиий. Шубҳасиз, ушбу қоидага риоя этадиган бўлсак, суриштирув ва терговни амалга оширувчи прокурор ва терговчи, ҳаттоки суд ҳам суд ҳукми қонуний кучга кирмаганга қадар айбсиз шахс билан муомалада бўладилар...”⁵. Ҳолбуки, айбсиз шахсни асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш, уни ноқонуний ҳукм қилишдек катта айб бўлмаса керак, назаримизда. Айниқса, бугунги суд амалиётини таҳлил этиш асосида

³ Владимиров Л. Е. Учение об уголовных доказательствах (общая часть). – Харьков, 1988. – С. 161.

⁴ Фойницкий И. Я. Курс уголовного судопроизводства, Т. 2, изд. 4. – Петроград, 1915. – С. 215.

⁵ Мокичев К. А. Против ревизионистских извращений учения о государстве и праве. – М., 1959. – С. 33.



ягона хулосага келиш мумкин – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятида айбсизлик презумпциясига оғишмай риоя этилишини, шунингдек, суд иш юритувининг бошқа муҳим тамойилларига қатъий итоат этилишини изчиллик ва фаоллик билан таъминлашга эришишимиз лозим. Бу авваламбор, унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади. Шу ўринда қайд этиш ўринлики, айбсизлик презумпцияси бир қатор нуфузли ва Ўзбекистон Республикаси томонидан тан олинган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган.

Хусусан, айбсизлик презумпциясининг замонавий тушунчаси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт, Асосий эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенция, Инсон ва Халқлар ҳуқуқлари Африка Хартияси ва бошқа халқаро ҳужжатларда ўз баёнини топган. Чунончи, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси ушбу қонидани қуйидагича мустаҳкамлайди: “Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очик суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир”(11-модда)⁶. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 14-моддаси 2-қисмида “Жиноят қилишда ҳар бир айбланувчи унинг айби қонунга биноан исботлангунча айбсиз деб ҳисобланиш ҳуқуқига эгадир” дейилган⁷. Асосий эркинликлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциянинг 6-моддаси 2-қисмида “Жиноят содир этганликда ҳар бир айбланувчи унинг айби қонунга биноан исботлангунча айбсиз ҳисоблади” қоидалари мавжуд⁸. Шунингдек, Инсон ва Халқлар ҳуқуқлари Африка Хартиясининг 7-моддаси 1-қисмининг “b” бандида ҳам “Ҳар бир

⁶ Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро билль. - Тошкент: Адолат, 1992.

⁷ Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (1966 йил 19 декабр) // Международные акты о правах человека. Сборник документов. - М.: Изд-во НОРМА, 2000. - С. 53 - 68.

⁸ Исмаилов Б.И. Международные стандарты прав человека для органов по поддержанию правопорядка. - Ташкент. 2006. www.allpravo.ru.



инсон айбдорлиги ваколатли суд томонидан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланиш ҳуқуқига эга” эканлиги ўз аксини топган⁹.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқнинг юқоридаги умумэътироф этилган нормалари талабларидан келиб чиққан ҳолда миллий қонунчиликда ушбу муҳим қонданинг зарурий ҳуқуқий замини ҳозирланди. Асосий Қомусимизданинг 26-моддасига биноан, “жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ушбу моддасида “ҳар бир шахс” иборасининг қўлланилиши айбсизлик презумпциясининг айбланувчи ёки гумон қилинувчигагина эмас, балки Ўзбекистон Республикасида яшаётган барча шахсларга берилган ҳуқуқ эканлигини англатади. Ушбу конституциявий норма қоидаларини янада ривожлантирган ва тўлдирган ҳолда ЎЗР ЖПКнинг 23-моддаси қуйидагиларни мустаҳкамлайди: 1) гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади; 2) гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас; 3) айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. 2000 йил 14 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддаси иккинчи қисмида “Айбланувчи, унинг айби қонунда назарда тутилган тартибда исботланмагунгача ва суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланмагунга қадар, айбсиз ҳисобланади” дейилган. Шахснинг айби тўла

⁹ Умарахунов И.М. Республика Узбекистан и международное договорное право. Учебное пособие. – Ташкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003. – С.194-195.



исботланганда у айбланувчи сифатида ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Бу мажбурият иш юритишни олиб борадиган, айблов вазифасини амалга оширадиган мансабдор шахслар – суриштирувчи, терговчи ва прокурор зиммасига юклатилган¹⁰. Бир сўз билан айтганда, “Айбсизлик презумпцияси принципининг моҳияти тергов ва суд муҳокамасини олиб борадиган барча шахслар учун, шунингдек судланувчи билан айбдордек иш кўриш ҳуқуқига эга бўлмаган бошқа барча муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлган ҳолисона ҳуқуқий ҳолат сифатида ана шундан иборатдир”¹¹. Давлат айблов функцияси шахсга нисбатан қаратилар экан, шахснинг бу функциядан ҳимояланишда энг асосий ҳимоячи курул айбсизлик презумпцияси ҳисобланади. Айблов функцияси шахснинг айблилигига қаратилган фаолият бўлганлиги билан унинг айбдорлигини билдирмайди. У шахснинг айбдор деб топилишини ўзига мақсад қилиб қўйган фаолиятдир. Айбсизлик презумпцияси эса, бу – айби қонунда белгиланган тартибда ва тегишли органлар томонидан тасдиқланмагунча шахснинг айбсиз ҳисобланишидир¹².

Юридик адабиётларда ҳам айбсизлик презумпцияси тўғрисида бир-бирига яқин қатор фикр ва мулоҳазалар билдирилган: “Айбсизлик презумпцияси – жиноят ҳуқуқи ва процессидаги айбланувчи (судланувчи)нинг айби қонунда белгиланган тартибда исботлангунга қадар айбсиз деб ҳисобаланишини белгилайдиган ҳуқуқий қоида. Айбсизлик презумпцияси – энг муҳим демократик принциплардан бири, шахс ҳуқуқлари муҳофазасини таъминлайди, асоссиз айбланиш ва ҳукм қилинишдан асрайди. Айбсизлик презумпцияси фуқароларни давлатдан муҳофаза қилишга қаратилган”¹³.

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси / Маъсул муҳаррир проф. Ғ.А. Абдумажидов. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 48; Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик / З.Ф. Иноғомжонованинг умумий тахрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 33.

¹¹ Жиноят процесси. Умумий қисм. Муаллифлар жамоаси. Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б. 86.

¹² Иноғомжонов З.Ф., Иноғомжонов Айбсизлик презумпцияси. Илмий рисола. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.

¹³ Конин В.В. Презумпция невиновности: точка зрения защиты // Принцип презумпции невиновности и его значение на современном этапе. Сборник научных трудов / под общей редакцией д.ю.н. проф. Т.С. Волчецкой. Издательство Калининградского государственного университета, 2001. – С. 51.



Мухтасар қилиб айтганда, “айбсизлик презумпцияси жиноят процессининг асосий ва конституциявий принципларидан бири бўлиб, *шахс жиноят содир этишда айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланишини, у ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслигини, шунингдек, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлигини белгилайди*”. Қонунчилигимизда айбсизлик презумпцияси принципининг амал қилинишининг ўзи унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги ва ҳақиқий демократик ҳуқуқ эканлигидан далолат беради. Субъектив ҳуқуқ сифатида айбсизлик презумпцияси ҳуқуқидан шахс одатда гумон қилинувчи тариқасида ушланган пайтдан бошлаб фойдаланиши мумкин. Шунингдек, Конституциянинг ушбу моддасида шундай талаб қўйиладики, шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилишидир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунга ва қонуний кучга суд ҳукми билан аниқлангунга қадар айбсиз ҳисобланади, деб мустаҳкамланганлигидан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, ЖПКга мувофиқ, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини айбдор деб топиш учун, биринчидан унинг айбдорлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботланиши, иккинчидан, ушбу жиноят бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлиши талаб қилинади.

Суддан ташқари шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топишга ҳеч қандай орган ёки мансабдор шахс ҳақли эмасдирлар. Маълум шахсни жиноят содир этганликда айбдор деб топишда ва унга нисбатан жазо чораси тайинлашда ёки уни айби исботланмаганлиги, асосланмаганлиги учун ноҳақ жавобгарликка тортилганлигини реабилитация қилишда ҳал қилувчи овозга фақатгина суд эгадир. Ҳеч қандай давлат органи айбланувчи шахсни



ноқонуний равишда жиноятчи ҳисоблаб, айби исботланмай туриб, суд қилиш ҳуқуқига эга эмас ва бу ҳолат қонунда назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади. Суд айбланувчининг айбини ечиш учун мажбур этиш билан боғлиқ ҳаракатларни амалга ошириши мумкин, лекин бу иш шахснинг кадр-қимматини қатъиян ҳурматлаш асосида бажарилиши лозим. Тергов қилиш чоғида ҳам гумон қилинувчи ёки айбланувчи шахсларнинг ҳаёти ва соғлиги учун хавфли бўлган ёки уларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситувчи ҳатти-ҳаракатларни содир қилиш тақиқланади. Юқоридаги қоидаларда айбсизлик презумпциясининг асосий мазмуни кам берилган. Аммо шуни ҳисобга олиш керакки, жиноят процессида айбсизлик презумпциясининг руҳи деярли тўла мавжуд. Умуман олганда, айбсизлик презумпциясининг тўла мазмунини бир моддада очиб бериш мумкин эмас, чунки бунинг имкони йўқ.

Республикамизда ҳимоя ҳуқуқини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1996 йил 20 декабрдаги 41-сонли “Ҳимоя ҳуқуқини таъминловчи қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисидаги” қарори ҳам муҳим ўрин тутди. Мазкур қарорда ҳимоя ҳуқуқи тўғрисида қуйида билдирилган фикр диққатга сазовор: “Гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш конституциявий қоида ҳисобланади ва жиноят-судлов ишларини юритишнинг барча босқичларида унга қатъий риоя қилиниши керак. Шунинг учун уларнинг процессуал ҳуқуқларига оғишмай риоя этиш, иш ҳолатларини ҳар тарафлама, тўла ва холисона ўрганиш, гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчини қораловчи ва оқловчи, шунингдек, уларнинг жавобгарлигини оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, иш бўйича мавжуд бўлган тахминларни синчиклаб текшириш, далиллар тақдим этиш ва уларни келтиришда процесс иштирокчиларининг тенг ҳуқуқларини таъминлаш зарур”.

Айбсизлик презумпцияси ва ундан келиб чикувчи шубҳа-гумонларни судланувчи фойдасига ҳал этиш тўғрисидаги қоида В.П.Нажимов ишларида



чуқур таҳлил этилган. Муаллиф шубҳа-гумонларни айбланувчи фойдасига ҳал этишни “судда у ёки бу факт бўйича шубҳа туғилганда, уларга шубҳасиз факт сифатида муносабатда бўлиш лозим (бундай хулоса ҳақиқатни аниқлаш принциpidан келиб чиқади)” деб талқин этишга қарши чиқади. Тадқиқотчи ушбу қоида мазмунини қуйидагича изоҳлайди: “аниқланган фактлар (мавжуд далиллар) бир эмас, балки бир неча хулосалар чиқариш имконини берса, улардан айбланувчи учун энг қулай ва яхшиси танланади”¹⁴. В.П.Нажимов фикрича, айбсизлик презумпцияси “жиноят процессуал қонунчиликда мустаҳкамланган айб фақатгина суд ҳукми билан белгиланади”, деган қоидада янада яққол ифодаланади. Ушбу принцип шунингдек, “фақатгина исботланган ҳолатни таъкидлаш мумкинлигини кўзда тутувчи объектив ҳақиқат принциpi” мазмунидан ҳам келиб чиқади. Демак, суд айбдорликни исботламагунга қадар шахс айбдор деб тан олинishi мумкин эмас. Амалдаги Жиноят-процессуал қонун нормалари мазмунидан келиб чиқиб, суд муҳокамасида айби исботланган шахсга нисбатан айблов, акс ҳолда эса, оқлов ҳукми чиқарилади, деган хулосага келиш мумкин. Ушбу норма мазмуни, магар айбланувчи айби исботланса, уни суд қилиш деганда эмас, балки унинг айбсизлиги исботланмаса, уни оқлаш лозимлигидан далолат беради. Бу борада Е.Никифорова қайд этганидек, “Шахсининг жиноят содир этганликда айбдорлиги ҳақидаги хулоса тахминларга асосланиши мумкин эмас ва шубҳасиз етарли далиллар билан исботланиши лозим. Айбловни тасдиқлайдиган ишончли далиллар бўлмаган ва янги далиллар тўпланмаган тақдирда иш юритиш тугатилади ёки оқлов ҳукми чиқарилади”¹⁵.

Айбсизлик презумпцияси – воқеиликка тўғри бўлган ҳуқуқий ҳолат бўлиб, унга асосан айбдор шахсни жиноят содир этишдаги айбини, қачонки суднинг айблов ҳукми чиқарилган бўлиб, айнан шу шахс айбдор деб

¹⁴ Нажимов В.П. Дискуссионные вопросы учения о принципах уголовного процесса. - В сб.: Вопросы организации суда и осуществления правосудия. Вып. 4. – СПб, 1995. – С.34 - 35.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси / Маъсул муҳаррир проф. Ғ.А.Абдумажидов. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 48; Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик / З.Ф.Иноғомжонованин умумий тахрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.33-34.



ҳисобланса ва унинг айби жиноят иши бўйича йиғилган исбот-далиллар билан тасдиқланиб, процесс иштирокчиларида ушбу шахсни асосланган ва адолатли равишда жавобгарликка тортилганлиги, жазоланганлиги тўғрисида ишонч ҳосил қилганда тасдиқлаш мумкин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси 23-моддаси 2-қисмида кўрсатилишича, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас. Бундан кўриниб турибдики, айбланувчи ўзини айбсизлигини исбот қилиб беришга мажбур эмасдир. Жиноят содир қилган шахсни айбдорлигини исботлаш мажбурияти суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судга юклатилгандир. Жиноятни содир қилишда дастлабки тергов ва суриштирув органлари, прокурор фақат ЖПКнинг нормаларига риоя этишлари керак. Лекин айбланувчи ўзининг ҳимоя ҳуқуқидан фойдаланиб, ўзининг айбсизлигини исботлашга ҳақлидир, аммо бу унинг мажбурияти эмас.

ЖПКнинг 23-моддаси 3-қисмига кўра, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчини фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги кўрсатилган. Шунингдек, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. Бунга кўра айбланувчи ўзининг айбсизлиги тўғрисида далиллар тақдим қила олмаслиги уни айбли деб топишга асос бўла олмайди. Далиллар тўплаш вақтида белгиланган тартиб-қоидалар бузилган бўлса, яъни далиллар қалбакилаштирилса, бундай далиллар ҳуқуқий кучга эга эмас деб топилади ва ўз-ўзидан айблов учун асос бўла олмайди. Тергов органлари етарли далиллар бўлсагина шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб тўғрисида қарор чиқаради.

Айбланувчини ўз айбига иқрорлиги бошқа далиллар билан ҳақиқатдан тасдиқланган тақдирдагина, уни айблаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айбсизлик презумпциясининг ҳуқуқий табиатини тушунтиришда



икки хил қараш бор. Биринчиси: айбсизлик презумпцияси – бу фақатгина ҳақиқатни аниқлаш услуби бўлиб, жиноий иш учун масъул органлардан исталган бири – тергов, прокуратура, суд аввал айбланувчининг айбсизлигини тахмин қилади, кейин тўпланган далиллар асосида унинг акси эканлигига ишонч ҳосил қилишади, шунда айбсизлик презумпцияси ўз ҳаракатини тўхтатади. Шундай қилиб, айбсизлик презумпциясидан воз кечиш учун терговчи айбланувчининг айбли эканлигига ишонч ҳосил қилишининг ўзи етарли. Иккинчиси: айбсизлик презумпцияси жиноий иш учун масъул у ёки бу шахсда айбдорлик фикри туғилганда рад этилмайди; у қонуний қонуний ҳукм кучга киргунча амал қилади. Бу фақатгина қонун нуқтаи назаридан, процессда қатнашувчи алоҳида субъектларнинг қараши эмас.

Бизнингча, биринчи қараш тарафдорларининг фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Айтайлик, айб тегишли тергов олиб бориш бораётган орган айбдорлилик ҳақида фикрга келган вақтдан ўрнатилган ҳисоблансин. Айни шу жойда (гарчи суднинг ҳукмигача ҳали узок бўлсада) айбсизлик презумпцияси айбдорлик презумпциясига ўз ўрнини бўшатиб беради, тергов органининг кейинги фаолияти объектив тергов эмас, айблов тезисини исботлаш ҳаракатига айланади. Бу айнан ўша айблилик ёндошуви бўлиб, у кўп ҳолларда суднинг хатосига олиб келади ва айбсиз кишини судлашга мажбур этади. Айбсизлик презумпцияси – бу тахмин эмас, балки фикция бўлиб, у бир томонлама тушунтиришга асосланади. Айбсизлик презумпциясини тўғри тушуниш учун уни фуқароларнинг виждонлилик тамойилидан фарқлаб, ажрата олиш керак. Айбсизлик презумпциясини терговчи ва прокурорнинг айбланувчининг айблилигини дастлабки терговда исботлагандан кейин ўз ички ишончи асосида ҳеч қачон айбланувчини айбсиз деб ҳисоблай олмаслиги ҳам рад этади. На терговчи, на прокурор айбланувчини ҳукм қонуний кучга киргунга қадар айбсиз деб ҳисобламайди, балки жиноий жазо ҳуқуқи субъекти сифатидаги давлат айбсизлик презумпциясини тан олиб, у терговчи, прокурорнинг хулосалари суд процесси босқичларида текширилишини талаб



қилади. Айбсизлик презумпцияси терговчи ва прокурорни айбланувчининг айблилигига ишонишни тақиқламайди, айти пайтда у бундай ишончни етарли асос сифатида кўрмайди ва айбли деб хулоса чиқаришга ҳамда жазо чорасини қўллашга йўл қўймайди. Терговчи ва прокурор шуни англаб етишлари лозимки, уларнинг ишончи баъзи ҳолларда иш судда кўрилганда тасдиқланмаслиги мумкин. Айбсизлик презумпцияси объектив ҳуқуқий ҳолат сифатида иш ҳолатларини текшириш услубини кўрсатиш билан чегараланмайди; презумпция шу билан бир қаторда процессуал жиҳатларни, яъни ҳукмнинг қонуний кучга киришини аниқлаб, ундан айбланувчининг айби ва иш бўйича тўла ҳақиқат ўрганилган, аниқланган ҳисобланиши керак. Айбсизлик презумпцияси ЖПК бир-бирига боғлиқ қисмлари тузилишини белгилайди, яъни шахсни жиноят содир этишда айбдор деб топиш учун етарли процессуал қафолатлар ҳажмини аниқлайди ва ҳеч қачон суднинг қонуний кучга кирган ҳукмидан олдинроқ процесс қатнашчиларининг қарашини ифодаламайди.

Қонун шундай ҳолатларга йўл қўядики, унга кўра дастлабки терговда қилинган айбдорлик ҳақидаги хулоса суд текширувини талаб қилмаслиги ҳам мумкин. Бу ҳолатларда жиноий ишлар дастлабки терговда тугатилади. Булар “оқланмайдиган” асосларга кўра олиб борилади, жумладан, шахсни жавобгарликка тортиш муддати ўтган бўлса; аминистия акти чиқарилган бўлса; шахс вафот этган бўлса ва бошқалар (ЖПКнинг 84-моддаси). Бунга ўхшаш бошқа ҳолатлар терговчи томонидан ишни бошқа шахсга ёки вояга етмаганлар иши бўйича комиссияга юборилиши учун сабаб бўлади. Ҳақиқатдан ҳам, бу жойда шахснинг айблилиги ҳақидаги якуний хулоса дастлабки терговда вужудга келган. Бунга ўхшаш ҳолатларни қонунда кўрсатилган умумий қоидалардан истисно сифатида кўриш лозим.

Айбсизлик презумпциясини баъзан шу нарса билан рад этмоқчи бўлишадик, гўёки айбсиз шахсга нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш мумкин эмас, яъни ушлаб туриш, қамоққа олиш, гаров, қамаллик ва



бошқалар. Кўрсатилган чораларни айбсизлик презумпциясига қарши бўлганлар таъкидлашади, уларнинг айтишича, бу чоралар айбланувчига уларнинг жиноятни содир этишда тахмин қилинаётганлиги асосида қўлланади. Бу далил яна айбсизлик презумпциясини объектив ҳукуқий ҳолатини, процесснинг у ёки бу иштирокчисининг айбланувчининг айбдорлигига субъектив ишончи билан аралашиб кетган. Бу қарашларга мувофиқ, процесснинг ваколатли субъекти айбланувчи(гумон қилинувчи)га нисбатан мажбурлов чораси қўллайди, сабаби уни терговга ва судга чақирувга биноан ҳозир бўлишини таъминлаш ёки ишнинг турли ҳолатларини йўқ қилиб юборишини олдини олиш учун керакдир. Процесснинг чора қўллаётган субъекти нуқтаи назаридан айбланувчи айбдор ҳисобланади, қонун нуқтаи назаридан ҳали айбдор эмас. Айнан шунинг учун ҳам процесснинг ваколатли субъектига айбланувчи(гумон қилинувчи)га нисбатан фақат процессуал мажбурлов чораларини қўллашгагина йўл қўяди, жиноий-ҳукуқий мажбурловни қўллашни тақиқлайди¹⁶.

Демак, исботлаш жараёнида айбсизлик презумпцияси уч элементни ўз ичига олади: 1) гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг айбдорлигини исботлаш бурчи фақат исботлаш юклатилган шахсларга юклатилишини; 2) исботлаш процессида ҳар қандай гумонни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал этилишини; 3) айбланувчининг айбдорлигини исботланмаганлиги унинг айбсизлиги исботланганлигига тенглиги.

Юқоридагилар асосида айбсизлик презумпциясининг аҳамияти ҳақида куйидаги хулосаларга келишимиз мумкин: 1) айбсизлик презумпцияси алоҳида шахснинг айбланувчига муносабатини ифодаламайди, балки объектив ҳукуқий қоида саналади. Давлат, жамият фуқароларни виждонли, ҳалол ва тўғри деб ҳисоблайди, токи, бунинг акси ваколатли суд ҳокимияти органлари томонидан қонунда белгиланган тартибда исботлангунга қадар; 2) ушбу принцип инсонга

¹⁶ Уголовный процесс. 2-е изд. Учебник для вузов / Под ред. А.В. Гриненко. – М.: Норма, 2008. – С.32.



ҳокимиятга қарши туриш, давлат ва шахс мунозарасидаги ўзаро нотенг кучларни ўзаро мувофиқлаштириш, тенглаштириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Тўлаганова Г. Жиноят процессида ҳимоячининг иштироки. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б.13-14.
- 2.Кузнецова, О. А. Презумпции в Российском гражданском праве. – М., 2007. – С.12; Теория государства и права: Учебник / под ред. В.К. Бабаева. – М: Юристъ, 2004. – С.37.; Проблемы теории государства и права / Под ред. М.Н. Марченко. – М.: ООО “Проспект-Н”, 2001. – С.24.
- 3.Владимиров Л. Е. Учение об уголовных доказательствах (общая часть). – Харьков, 1988. – С. 161.
- 4.Фойницкий И. Я. Курс уголовного судопроизводства, Т. 2, изд. 4. – Петроград, 1915. – С. 215.
- 5.Мокичев К. А. Против ревизионистских извращений учения о государстве и праве. – М., 1959. – С. 33.
- 6.Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Халқаро билль. - Тошкент: Адолат, 1992.
- 7.Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт (1966 йил 19 декабр) // Международные акты о правах человека. Сборник документов. - М.: Изд-во НОРМА, 2000. – С. 53 - 68.
- 8.Исмаилов Б.И. Международные стандарты прав человека для органов по поддержанию правопорядка. – Ташкент. 2006. www.allpravo.ru.
- 9.Умарахунов И.М. Республика Узбекистан и международное договорное право. Учебное пособие. – Ташкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2003. – С.194-195.
- 10.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси / Маъсул муҳаррир проф. Ғ.А.Абдумажидов. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 48; Жиноят процесси. Умумий қисм. Дарслик / 3.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.33.



11. Жиноят процесси. Умумий қисм. Муаллифлар жамоаси. Дасрлик. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.86.
12. Иноғомжонова З.Ф., Иноғомжонов Айбсизлик презумпцияси. Илмий рисола. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.
13. Конин В.В. Презумпция невиновности: точка зрения защиты // Принцип презумпции невиновности и его значение на современном этапе. Сборник научных трудов / под общей редакцией д.ю.н. проф. Т.С.Волчецкой. Издательство Калининградского государственного университета, 2001. – С.51.
14. Нажимов В.П. Дискуссионные вопросы учения о принципах уголовного процесса. - В сб.: Вопросы организации суда и осуществления правосудия. Вып. 4. – СПб, 1995. – С.34 - 35.
15. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси / Маъсул муҳаррир проф. Ғ.А.Абдумажидов. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б. 48; Жиноят процесси. Умумий қисм. Дасрлик / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.33-34.
16. Уголовный процесс. 2-е изд. Учебник для вузов / Под ред. А.В. Гриненко. – М.: Норма, 2008. – С.32.